



 <https://doi.org/10.47980/MOTURIDIY/2025-1/12>

Soatmurod PRIMOV^a 

^a Doctor of Philosophy (PhD) in Islamic Studies,
Vice-Rector for Scientific Affairs and Research,
Tashkent Islamic Institute named after Imam Bukhari,
Zarqaynar 18-berk Street, Building 47, 100002, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: soatmurot.tii@gmail.com

«КИТОБ АЛ-ОЛИМ ВАЛ-МУТААЛЛИМ» АСАРИ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ОИД ДАСТЛАБКИ АҚИДАВИЙ МАНБА

Аннотация. «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари ҳанафий мазҳабига оид дастлабки муҳим ақидавий манбаларидан ҳисобланади. Чунки, мазкур асардаги эътиқодий масалалар бевосита ҳанафий мазҳаб асосчиси Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирди Абу Муқотил Самарқандий ўртасида савол-жавоб тарзида баён қилинган. Шу билан бирга, ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам баъзи тоифалар ёки оқимлар ўзларининг нотўғри ақидавий қарашларини исботлаш мақсадида мазкур асар муаллифи Имом Абу Ҳанифа эканига шубҳа билдиради ва бунинг тасдиғи сифатида бир қанча асоссиз фикрларни ўртага ташилади. Чунки, мазкур асарда уларнинг қарашларига раддиялар берилган. Аҳли сунна уламолари бир нечта қўлёзмаларда келган асарнинг ровийлари санади асосида ҳақиқатда асар муаллифи Имом Абу Ҳанифа эканини исботлаб берганлар. Мазкур асарларнинг қиймати ва муҳимлиги унда баён қилинган эътиқодий масалалар ҳозирги кундаги кўпгина ақидавий ихтилофларга ечим бўлади ҳамда адашган тоифа ва оқимларга раддия бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллиф шогирдига мусулмон киши ҳаётида зарур бўлган ва фойдали маслаҳатларини бериши билан бирга маълум ақидавий масалаларда адашган тоифаларнинг хатоларини ҳаётий мисоллар асосида ҳам баён қилган. Шунингдек, ўша даврда эътиқодий масалаларга оид ихтилофлар ҳозирги кунда ҳам тақрорланиб турибди. Шу жиҳатдан, асарда баён қилинган эътиқодий масалаларни бугунги кунда оммага тушунарли бўлган услуб ва шаклда шарҳлаш ва изоҳлар бериши соҳа мутахассисларининг олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Калим сўзлар: Ақида, усул ад-дин, усул ал-фиқҳ, носих, мансух, санад, қўлёзма, иржо, калом илми, насс.

«KITAB AL-‘ALIM WA AL-MUTA‘ALLIM» AS THE EARLIEST DOCTRINAL SOURCE OF THE HANAFI SCHOOL

Abstract. Kitab al-‘Alim wa al-Muta‘allim is considered one of the earliest and most significant doctrinal sources associated with the Hanafi school. This is primarily due to its direct presentation of theological issues in a question-and-answer format between the school’s founder, Imam Abu Hanifa, and his student, Abu Muqatil al-Samarqandi. Over time, however, certain groups have raised doubts about the authorship of the work, claiming that it was not authored by Imam Abu Hanifa and offering several unfounded arguments as evidence. These claims are addressed and refuted within the work itself. Moreover, Sunni scholars have affirmed the attribution to Abu Hanifa based on the chains of transmission documented in multiple manuscript copies.

The value of this text lies in its relevance to both historical and contemporary theological discourse. The doctrinal content it provides offers clarity on key issues and serves as a rebuttal to deviant groups and movements. Importantly, the author not only imparts essential ethical and religious advice to his student but also critiques erroneous theological positions with concrete examples. Many of the theological debates of that era continue to resonate today, making this work a vital resource for addressing modern doctrinal disputes and conveying the core beliefs of Islam—particularly to the younger generation. Accordingly, interpreting and explaining the theological topics in this text in a way that is accessible to contemporary readers remains a key responsibility for scholars of Islamic theology.

Keywords: doctrine, religious methodology, methodology of fiqh, abrogation, isnad (chain of transmission), manuscript, commentary, kalam (Islamic theology), nass (text).

КИРИШ

Мусулмонлар дастлабки даврда ақидавий, фикҳий ёки бирор соҳа борасида тушунмаган саволлари бўлса, бевосита Пайғамбар (а.с.)дан сўрар эдилар. Ислом динининг асл манбаси бўлган Қуръони карим йигирма уч йил давомида нозил бўлиб, ўша даврда мусулмонлар ўртасида содир бўлган турли воқеа ва ҳодисаларнинг ҳукмини баён қилиб берган. Шу йўл билан жоҳилият даврида кенг тарқалган нотўғри ақидавий қарашларга барҳам берилган. Ислом динининг асоси яккахудолик, қиёмат кунининг ҳақ экани ва ҳар бир инсон бу дунёда қилган ишлари ва айтган сўзларига охирагда масъул бўлиши каби эътиқодий қарашлардан иборат.

Саҳобалар даврида ислом дини ер юзига кенг тарқалди. Жумладан, Форс давлати ерлари мусулмонлар қўлига ўтди. Мазкур минтақада янги шаҳарлар барпо этилди. Халифа Умар ибн Ҳаттоб ҳукмронлиги даврида Ироқда Куфа ва Басра шаҳарларига асос солинди. Ҳанафий мазҳаб асосчиси Имом Абу Ҳанифа айнан Куфа шаҳрида таваллуд топган ва вояга етган. Ироқ худуди аввалдан турли таълимот ва маданиятлар тарқалган минтақа бўлган.

Ислом дини бу ерларда кенг тарқалгандан сўнг, ҳижрий I асрнинг иккинчи ярми ва ундан кейинги даврларда хавориж, шиа ва мўътазила каби фирқа ва оқимлар айнан Ироқ худудида пайдо бўлган. Бундай ақидавий хилма-хиллик муҳитида вояга етган ва умрининг дастлабки қисмини турли адашган тоифа вакиллари билан баҳс-мунозарада ўтказган Имом Абу Ҳанифа уларнинг нотўғри қарашлари ва сохта далилларидан яхши хабардор эди. Тарихий манбаларда Имом Абу Ҳанифа кўпгина адашган фирқа вакиллари билан турли ақидавий мавзуларда баҳс юритиб, уларни мағлуб қилгани, ҳатто уларнинг баъзилари хатоларини тушуниб, тўғри йўлга қайтганлари зикр қилинган.

Имом Абу Ҳанифа кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Унинг шогирдлари ақидавий ва фикҳий илмларнинг мусулмонлар ўртасида кенг ёйилишига катта ҳисса қўшдилар. Мана шундай шогирдларидан бири Абу Муқотил Самарқандий бўлиб, у илм ўрганиш мақсадида Куфа шаҳрига боради ва Имом Абу Ҳанифадан таълим олади. Таълим олиш асносида ўша даврда турли фирқа вакиллари илгари сураётган ақидавий қарашлар бўйича Имом Абу Ҳанифадан сўрайди. Унинг ақидавий масалалар бўйича устози Имом Абу Ҳанифа билан ўртасидаги савол-жавоблари

кейинги давр мусулмонларига «Китоб ал-олим вал-мутааллим» номли асари орқали етиб келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарини Имом Абу Ҳанифадан шогирди Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм ривоят қилган. Бироқ, баъзи европалик шарқшунослар асарни Имоми Аъзамга тегишли эмас, деб даъво қилишади. Ваҳоланки, мазкур асарни Имом Мотуридий, Ибн Надим, Ибн Фурак, Исфаройний, Али ибн Муҳаммад Паздавий, Абул Юср Паздавий, Абдулазиз Бухорий ва Баззозий каби кўплаб олимлар Имом Абу Ҳанифага нисбат беришган. Котиб Чалабий, Исмоил Пошо, Карл Броккельман ва Фуод Сезгинлар ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Имом Абу Ҳанифанинг бошқа асарлари қатори «Китоб ал-олим вал-мутааллим»ни асл матнларни ўзгартирмасдан, калом илмига оид китобларидаги тартиб асосида тартиблаган ва шарҳлаган Камолиддин Аҳмад Баъзий (ваф. 1098/1687 й.) ушбу рисоладаги кўпгина ақидавий масалаларни ривоят билан шарҳлаган. Асардаги кўп ақидавий масалалар Нажмиддин Умар Насафийнинг «ал-Маноқиб», Муваффақуддин Хоразмийнинг (ваф. 568/1173 й.) «ал-Маноқиб ал-хоразмия», «ал-Маноқиб ал-Кардария» ва Имом Абу Муҳаммад Ҳорисий Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асарида зикр қилинган. Асардаги баъзи масалалар эса «ал-Муҳит ал-бурҳоний» китобининг аҳли китоблар никоҳи бобида зикр қилинган. Шунингдек, Абул Музаффар Исфаройний «ат-Табсир» асарида Имом Абу Ҳанифанинг «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарида даҳрийларга ва адашганларга қарши кучли ҳужжатлар келтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтган (Абул Музаффар Тоҳир ибн Муҳаммад Исфироиний, 1983:113). Хатиб Бағдодий уларнинг номларини тилга олмасда, Имом Абу Ҳанифанинг баъзи асарлар жамлаганини таъкидлайди (Абу Бақр Аҳмад ибн Маҳдий Хатиб Бағдодий, 2018:338-342). Баззозий, Тошкўпирзода ва Забидийлар ҳам буни тасдиқлайдилар. Имом Абу Ҳанифани ўз мазҳабларида эканини кўрсатишга уринган мўътазила фирқаси вакиллари унга тегишли ҳеч қандай асари йўқлигини «Китоб ал-олим вал-мутааллим» ва калом илмига оид қолган тўртта рисола бошқа бир шахсга, яъни Абу Ҳанифа Бухорийга тегишли эканини исботлашга ҳаракат қиладилар. Асарни Имом Абу Ҳанифага нисбат бериш ҳақида фақат Заҳабий бошқача фикр

билдиради ва бунинг тасдиғи сифатида Аҳмад ибн Али Сулаймоний Абу Муқотил Ҳафс ибн Салмни «Китоб ал-олим вал-мутааллим» номли асар муаллифи сифатида тилга олганини таъкидлайди (Заҳабий, 1995:558).

Шарқшунос Шахт Заҳабий келтирган бу маълумотлардаги баъзи далилларга асосланиб, «Китоб ал-олим вал-мутааллим»ни Абу Ҳанифага нисбат бериш нотўғри, деб даъво қилади. В. Маделунг ҳам шундай фикрни қўллаб-қувватлайди (J. Schacht, 1964: 96-102.; W. Madelung, 1970:1970). Шахтнинг эътирозлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, асар бошида келтирилган ровийлар санади занжири бу рисоланинг Абу Ҳанифага тегишли бўлишига имкон бермайди. Чунки, бу ривоят 651/1253 йилда вафот этган Ибн Қози Аскар номи билан машҳур бўлган Али ибн Халилдан бошланиб, тўрт авлод ровийлари орқали Абу Мансур Мотуридийга (ваф. 333/944) етиб боради. Ўртадаги 318 йилни беш авлод ровийлари билан қамраб олишнинг иложи йўқ. Иккинчидан, асардаги савол-жавоблар бир хил услубга мос келади. Шунингдек, шогирдларидан бирининг саволларига жавоблардан иборат бўлган мазкур асар Абу Ҳанифага тегишли бўла олмайди. Учинчидан, асар муқаддимасидаги услуб ва ифода Абу Ҳанифа даврида қўлланилган услубга ўхшамайди. Тўртинчидан, асарда турли диний оқимлар ўртасидаги баҳслар ўрин олган. Ваҳоланки, Абу Ҳанифа яшаган даврда булар мавжуд эмас эди. Мазкур ҳолатлар асарнинг иккинчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярмида ёзилган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бешинчидан, асар услуби Абу Ҳанифага нисбат берилган «ал-Фикҳ ал-абсат» ва «ар-Рисола» услубидан бутунлай фарқ қилади.

Шахт томонидан илгари сурилган ушбу эътирозлар асарнинг Имом Абу Ҳанифага тегишли бўлишига нисбатан шубҳа келтириб чиқармайди. Чунки, ровийларнинг беш авлоди 318 йилни қамраб олиши мумкин. Дарҳақиқат, 911/1505 йилда вафот этган Жалолиддин Суютийнинг ровийлар силсиласи ўн бир ровийдан иборат бўлиб, ровийларнинг ҳар бир авлоди ўртача саксон икки йилни қамраб олган бўлса, юқорида тилга олинган ровийлар занжирида бу кўрсаткич олтмиш йилгача камаяди. Қолаверса, Абу Мансур Мотуридий ўзининг «Таъвилот ул-Қуръон» асирида «Китоб ал-олим вал-мутааллим»ни Имом Абу Ҳанифага нисбат беради (Абу Мансур Мотуридий, № 40:8286).

Савол-жавобларнинг бир хил услубда бўлиши асарнинг Имом Абу Ҳанифага тегишли эмаслигини

эмас, балки савол-жавоблар бир муаллиф қалами орқали ёзилганини кўрсатади. Чунки, шогирдлар ўз устозларининг эсдаликларини қоғозга ёзиб, кейин бошқаларга ҳам айтиб беришлари дастлабки даврларга хос хусусият эди. Асар бошидаги хутбадаги сўз ва ибораларнинг илк даврларга тегишли эмаслиги ҳақидаги даъво Ибн Фурак бутунлай инкор қилади. Чунки, Ибн Фурак бу хутбани мазкур асар Имом Абу Ҳанифага тегишли эканига яққол далил, деб ҳисоблаб, бундай хутбани фақат у каби буюк имом ёзиши мумкинлигини таъкидлаган (Ибн Фурак, № 1827:1606). Асардаги зикр қилинган ақидавий баҳслар ҳижрий II асрга тегишлидир. Ҳижрий II асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган муаммоларга асосланиши мумкинлиги ҳақидаги Шахтнинг даъвоси ҳеч қандай асосга эга эмас. Чунки, мазҳаблар ўртасидаги баҳслар ҳижрий I аср охири ва II аср бошида бошланган. Ҳатто, мазҳаблар ўртасидаги баҳсларнинг ҳаддан ташқари кўплигидан безовта бўлган Имоми Абу Ҳанифа имкон қадар улардан узокроқ туришга ҳаракат қилган (Аҳмад ибн Мустафо Тошқўпирзода, 1985:154). Қолаверса, унга тегишли деб ҳисобланган «ал-Фикҳ ал-абсат» ва «ар-Рисола» ҳамда «Китоб ал-олим вал-мутааллим»нинг услублари ўртасида аниқ фарқ йўқ бўлиб, бу уларнинг муаллифи битта эканига далолат қилади. Мазкур учала асардаги зикр қилинган эътиқодий қарашлар бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва тўлдиради. Қолаверса, асарда қўлланган «иржо» сўзига асосланиб, Шахтнинг «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари муржийликнинг дастлабки манбаларидан бири экани ва муаллиф ўз гуруҳини «Муржиа» деб атагани ҳақидаги фикри тўғри эмас. Чунки, муаллиф «иржо» сўзини «катта гуноҳ қилган одамнинг диндан чиқмагани ва куфрга тушиб қолмаганидан умидвор бўлиш» маъносида қўллаган. У иддао қилинганидан фарқли ўларок бу атамани мазҳаблар ўртасида кенг тарқалган умумий маънода ишлатмаган, яъни «катта гуноҳ уни қилган кишига зарар етказмайди», деб айтмаган ва ўз гуруҳини муржиа, деб номламаган (Шахристони, 2007:139).

Шунга кўра, мутавотир даражасига етган ривоятни инкор этиб, Шахт эътирозларига асосланиб, «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарини Абу Ҳанифага тегишли эмас, дейиш мумкин эмас. Ҳожи Ҳалифа «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари ҳақида «Ушбу китоб Имомимиз Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит раҳимахуллох

шогирди Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 208/823 й.) билан ўртасида кечган савол-жавоб шаклидаги суҳбати бўлиб, бир қанча ақидавий масалалар ва насиҳатларни ўз ичига олган», деб хабар берган (Ҳожи Халифа, 1941:1437; Исмоил ибн Муҳаммад Амин ибн Мирсалим Бобоний Бағдодий, 1951:691).

«Китоб ал-олим вал-мутааллим» калом илмига баъзи муҳим масалаларни киритган ва уларни аҳли суннага кўра изоҳлаган дастлабки асарлардан ҳисобланади. Унинг энг муҳим хусусиятларидан бири имон асосларини ўхшатмалар орқали тушунтириши ва ақлий тушунчаларни конкрет қилиб, ҳамма тушунадиган услубда ифодалашидир.

Маълум бўлишича, Қози Баёзийнинг «Ишорат ал-маром» асаридан ташқари, «Китоб ал-олим вал-мутааллим»нинг шарҳларидан бири Ибн Фуракга тегишли. Ибн Фурак мусулмонлар динда ўзларига имом деб қабул қилган Имом Абу Ҳанифага мансуб дейилган «Китоб ал-олим вал-мутааллим»нинг унга ишончли далил билан нисбат берилганини ҳамда унинг мазмуни у зотга тегишлилигини кўрсатишини қуйидагича таъкидлаган: «Улуғ олим, имон муаммоларини ўз далиллари билан изоҳлайди ва Аллоҳ таоло сифатлари ҳақидаги муқаддимаси унинг тавҳид илмида бошқа имомлардан устунлигини кўрсатади». Ибн Фуракнинг зикр қилишича «ал-Олим вал-мутааллим» («Устоз ва шогирд») атамаси ҳар қандай савол-жавоб шаклида ёзилган асарларга нисбатан ишлатилган (Шайхул мутакаллимин Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак, 2009:62). Шу эътибордан Мулла Хусрав савол-жавоб шаклида бўлгани учун «Усул ал-Баздавий» асарига ёзган шарҳни ҳам «ал-Олим вал-мутааллим», деб номлаган.

Абу Наср Муҳаммад Аъзам ибн Гадои Муҳаммад ибн Муҳаммад Тожикий «Жухд ал-мутааллим фи китоб ал-олим вал-мутааллим» асарида «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарининг ёзилиш услуби ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «Имом Абу Ҳанифага Абу Муқотил Самарқандий ёки шогирдларидан бири ушбу китобдаги саволларни берган. Сўнгра, ўқувчининг зехнида мустаҳкам ўрнашиши учун асарни ёзиб олган бўлиши мумкин. Ёки Абу Ҳанифанинг ўзи асарни савол-жавоб услубида тузган бўлиши ҳам мумкин. Бундай услуб умумий олганда барчага, талабалар учун эса хос шаклда фойдали ҳисобланади. Бу ўринда биринчи эҳтимол ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. Муваффақ Маккийнинг (484-568/1091-1172) ибораси ҳам шунга далолат қилади» (Абу Наср Муҳаммад Аъзам ибн Гадои Муҳаммад Тожикий, 2023:11). Қолаверса, асарда муаллиф

биринчи саволини қуйидаги сўзлар билан бошлайди: «Устоз, чуқур билимингиз, бой тажрибангиз, фазлу-карамингиз ёрдамида кўнглимдан жой олган шубҳали саволларга қоникарли ва аниқ жавоб олиш учун ҳузурингизга келдим» (Абдурашид қори Бахромоф, 2003:39).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарининг баъзи қўлёзма нусхаларида савол сўровчи Абу Муте Балхий экани, айрим қўлёзма нусхаларида эса Абу Муқотил Самарқандий экани, яна баъзи нусхаларида шогирднинг исми умуман зикр қилинмагани маълум.

Аллома Кавсарийнинг таҳқиқи билан нашр этилган нусхада савол сўровчи шогирд Абу Муқотил Самарқандий экани зикр қилинган. Бир нечта сабабга кўра савол сўраган шогирд Абу Муқотил Самарқандий экани ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. Биринчидан, Абу Муқотил Самарқандийнинг ўзи мазкур китоб ровийси ҳисобланади. Агар, ушбу асар ровийси Абу Муте Балхий бўлганида, унинг ўзи ушбу асарни ҳам «ал-Фикҳ ал-абсат» асарини ривоят қилганидек ривоят қилган бўлар эди. Иккинчидан, Абу Муте Балхий мазкур китоб ровийлар санадидаги шахс ҳисобланади. Яъни, у мазкур китобни Абу Муқотил Самарқандийдан ривоят қилган. Жумладан, «ал-Азҳария» кутубхонасида №34197 рақам остида сақланаётган қўлёзмада ровийлар санади шундай тартибда келган. Агар, мазкур китобдаги саволларни унинг ўзи сўраган бўлганида, уни бошқадан ривоят қилишга муҳтож бўлмас эди.

«Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарига бир нечта шарҳлар битилган:

1. «Шарҳ ал-олим вал-мутааллим». Мазкур шарҳ муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак Ансорий Асбахонийдир (ваф. 406/1015 й.). Ибн Асокирнинг зикр қилишича Абу Бакр ибн Фурак усул ад-дин, усул ал-фикҳ ва Қуръон маъноларига оид юзга яқин асарлар ёзган. Жумладан, «Мушқил ал-ҳадис ва ғарибуҳу» ва усул ад-дин борасида «ан-Низомий» каби асарлар. Мазкур шарҳ 2009 йил Қоҳира шаҳридаги «Мактаба а-сақофия ад-диния» матбаасида нашр этилган. Лекин, ношир чоп этилган нусхада шарҳнинг хотимаси келтирилмаган. Ваҳоланки, шарҳнинг қўлёзма нусхасининг хотимасида қуйидаги сўзлар мавжуд бўлган: «Биз бу шарҳни учратганимизда ва ўйлаб кўрганимизда унинг муаллифгача етиб борадиган санади борлигини топдик. Биз шарҳлаган калом илмига оид масалаларга инсон кўнгли таскин топади. Яъни, бу китобдаги масалалар имомлар

сўзига ўхшайди». Мазкур шарҳ ношири қандайдир бир сабабга кўра ушбу хотимани нашрга киритмаган. Яъни, шорих «Шарҳ ал-олим вал-мутааллим» китобининг аввалида ушбу асар Имом Абу Ҳанифага нисбат берилишига шак қилган, лекин шарҳнинг охирида ўзининг фикри ногўгри эканига бирор далил келтирмаган.

Мазкур шарҳнинг Ибн Фуракка тегишли эканини Имомул-ҳарамайн Жувайнийнинг (419-478/1028-1085) «ал-Кофия фил-жадал» асаридаги келган ушбу қайдлар ҳам қўллаб-қувватлайди: «Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг усул ад-дин борасида «Китоб ал-олим вал-мутааллим» номли асари бўлиб, унда мўътазила ва қадарийларга раддиялар берилган. Унда аҳли сунна вал жамоанинг эътиқоди баён қилинган. Уни Абу Бакр ибн Фурак шарҳлаган ва ушбу иши билан фахрланган» (Имомул ҳарамайн Жувайний, 1979:27).

2. «Жухд ал-мутааллим фи китоб ал-олим вал-мутааллим». Ушбу шарҳ муаллифи Абу Наср Муҳаммад Аъзам ибн Гадои Муҳаммад Тожикий Ҳиравий Бурнободий (Маҳмудшоҳ ибн Саййид Муборакшоҳ) (1313-1393/1896-1973). Шарҳ қўлёзмасининг битта нусхаси Ҳайдаробод шаҳрида «Ихё ал-маориф ан-нўъмония» кутубхонасида №1904 рақам остида сақланади.

«Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари илк марта 1369/1950 йил Зоҳид Кавсарийнинг таҳқиқи билан Имом Абу Ҳанифанинг иккита рисоласи – «Рисолатун ила Усмон ал-Баттий» ва «ал-Фикҳ ал-абсат» асарлари билан бирга чоп қилинган. Шунингдек, Муфтий Рашид Аҳмад Алавийнинг «ал-Мутун ас-сабъа фи ақоиди аҳли ас-сунна» таркибида 2017 йил нашр этилган. «ал-Мутун ас-сабъа фи ақоиди аҳли ас-сунна» асарининг таркибига Қози Баёзийнинг «ал-Усул ал-мунифа», Мағнисовийнинг «Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар», «Шарҳ ал-фикҳ ал-абсат», «ал-Олим вал-мутааллим», «Рисолатун ила Усмон ал-Баттий», «ал-Васият» ва «Баён аҳли ас-сунна» асарлари кирган.

Шунингдек, «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари Шайх Муҳаммад Раввос Қалъажи Ҳанафий Ҳаладий ва доктор Абдулваҳҳоб Надавий таҳқиқи билан 1392/1972 йил «Мактаба ал-худо» матбаасида чоп қилинган (Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа, 2022:343-346).

МУҲОКАМА

Доктор Муҳаммад ибн Исмоил Абу Аввод Имом Абу Ҳанифанинг калом илмига оид асарларининг замонавий нашрини амалга оширган ва ҳар бир асарнинг санадларини келтириб ўтган

Жумладан, «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асарининг еттига санадини зикр қилган:

1-санад: Ибн Ошир (1142-1219/1729-1804) – Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Мимий Басрий – Абу Сулаймон Мусо ибн Фарҳод Шаҳрузий Басрий – Абу Тохир Муҳаммад ибн Иброҳим Куроний (1081-1145/1670-1732) – Бурҳон Иброҳим ибн Ҳасан Куроний (1025-1101/1616-1690) – Хайриддин Рамлий (993-1081/1585-1670) – Муҳаммад ибн Сироз Умар Ҳонутий (928-1010/1522-1601) – Сирожиддин Ҳонутий Холидий Ҳанафий (ваф. 1039/1629 й.) – Муҳиб Муҳаммад ибн Жарбош (975/1567 йилдан кейин вафот этган) – Абулхайр Муҳаммад ибн Муҳаммад Румий (ваф. 897/1492 й.) – Абулфатҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳаририй (780-864/1378-1460) – Абулфатҳ Муҳаммад Ҳаририй – Қивомиддин Итқоний (685-758-/1286-1357) – Ҳисомиддин Сиғнокий (ваф. 710/1310 й.) – Ҳофизуддин Муҳаммад Бухорий (ваф. 693/1294 й.) – Муҳаммад Абдуссатор Кардарий (599-642/1202-1244) – Бурҳониддин Марғиноний (530-593/1136-1197) – Зиёуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн Нусухий (ваф. 545/1150 й.) – Алоуддин Самарқандий (ваф. 575/1179 й.) – Абул Муин Насафий (438-508/1046-1114) – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мўътамад ибн Муҳаммад Макхул ибн Фазл ибн Васиф Насафий Макхулий – Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (ваф. 390/1000 й.) – Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/945 й.) – Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний – Абу Сулаймон Жузжоний ва Ибн Муқотил ибн Ҳайён Балхий – Абу Муте Балхий (ваф. 199/814 й.) ва Исом ибн Юсуф – Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767) (Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа, 2022:123-127).

2-санад: Абулҳасан Али ибн Халил Дамашкий (608-651/1211-1253) – Абулҳасан Бурҳониддин Али ибн Ҳасан Балхий (ваф. 548/1153 й.) – Абул Муин Насафий (438-508/1046-1114) – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мўътамад ибн Муҳаммад Макхул ибн Фазл ибн Васиф Насафий Макхулий – Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (ваф. 390/1000 й.) – Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/945 й.) – Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний – Абу Сулаймон Жузжоний ва Муҳаммад ибн Муқотил Розий – Абу Муте Балхий (ваф. 199/814 й.) ва Исом ибн Юсуф – Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767) (Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа, 2022:112-119).

3-санад: Шайх Мажиддин Абдурахмон ибн Имрон ибн Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад

ибн Абу Жарода (ваф. 643/1245 й.) – Шайх Нажмиддин Абулқосим Исмоил ибн Абдуссалом ибн Исмоил ибн Абдуррахмон Малоний – Носихиддин Абу Али Ҳасан ибн Муборак ибн Муҳаммад ибн Яҳё Забидий (543-629/1148-1232) – Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Абдуррахим Абу Салмо Ғарнотий Мағрибий (473-565/1080-1170) – Абулало Ҳомид ибн Идрис – Абул Муин Насафий (438-508/1046-1114) – Абу Тохир Махдий ибн Муҳаммад Хусайний – Абу Яъқуб ибн Мансур Сайёрий – Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Умар Сулаймоний (311-404/923-1013) – Абу Саид Ҳотам ибн Ақил Жавҳарий (269-333/883-945) – Фатҳ ибн Абу Алвон ва Муҳаммад ибн Язид (ваф. 264/878 й.) – Ҳасан ибн Солиҳ (ваф. 231/846 й.) – Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767).

4-санад: Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Маккий (ваф. 568/1173 й.) – Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (461-537/1069-1143) – Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик Насафий (404-487/1013-1094) – Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирий (350-432/961-1041) – Абу Умар Насафий (ваф. 380/990 й.) ва Абу Муҳаммад Насафий (ваф. 311/923 й.) – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис Калобозий Субазмуний (258-340/872-951) – Муҳаммад ибн Язид (ваф. 264/878 й.) – Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767) (Абул Муайяд ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Маккий, 2016:514.; Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кардарий, 2016:47, 97).

5-санад: Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад Шабибий – Шайх Абу Ҳафс Шоҳиний – Ҳофиз Абу Саъд Абдуррахмон ибн Муҳаммад Идрисий (442-504/1050-1111) – Хусайн ибн Қатода Шоший – Абу Саъд Саид ибн Усмон ибн Минҳол Зоҳид Шоший – Абулаббос Зарир Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий – Ибн Варроқ Муҳаммад ибн Умар Термизий (Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий, 1999:245-247).

6-санад: Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий Самъоний Марвазий Шофеъий (506-562/1112-1167) – Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Сайёрий – Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор Самъоний (ваф. 510/1116 й.) – Абулфазл Аҳмад ибн Али Сулаймоний – Абу Саид Ҳотам ибн Ақил Муҳтадий Жавҳарий – Фатҳ ибн Алвон ва Амр ибн Язид Калобозий – Ҳасан ибн Солиҳ Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767).

7-санад: Ҳофиз Исо ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Саолибий (ваф. 1080/1669 й.) – Тожиддин ибн Аҳмад Моликий Маккий – Холид ибн Аҳмад Жаъфарий – Муҳаммад ибн Аҳмад Рамлий – Қози Закариё ибн Муҳаммад Ансорий – Ҳофиз ибн Ҳажар – Абу Али Фозилий – Юнус ибн Иброҳим Дабусий – Абулқосим Абдуррахмон ибн Маккий Тараблусий – Ҳофиз Абу Тохир Аҳмад ибн Муҳаммад Салафий – Абу Имрон Мусо ибн Абу Талид – Ҳофиз Абу Умар ибн Абдулбарр – Ҳакам – Абу Яъқуб – Муҳаммад ибн Ҳизом – Абдуллоҳ ибн Абу Абдуллоҳ – Муҳаммад ибн Язид – Ҳасан ибн Солиҳ – Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 207/822 й.) – Имоми Аъзам (80-150/699-767) (Ҳофиз Исо ибн Муҳаммад Саолибий, 1995:78.; Абу Бакр Аҳмад ибн Махдий Хатиб Бағдодий, 2018:320-321).

«Китоб ол-олим вал-мутааллим» асари дастлаб шимолий-шарқий Эронда машҳур бўлган ва кенг тарқалган. Мазкур асар ушбу минтақада анча эрта қабул қилинган ва бир неча юз йиллар давомида Мовароуннаҳр ақида мактабининг муҳим манбаларидан бири сифатида кадрланган. Мотуридия таълимотига доир калом илмига оид манбаларда бу асарга тез-тез мурожаат этилган ва ундан иқтибослар олинган. Европалик тадқиқотчи Шахт мазкур асарнинг авлоддан авлодга етиб бориш йўлини батафсил ўрганган. Унинг қатъий гувоҳлик беришича асар ёзилгандан сўнг жуда тез муддатда Балхга етиб келган ва бу ердан бутун минтақа бўйлаб тарқалган.

«Китоб ол-олим вал-мутааллим» асарининг сўнги давр мотуридия таълимотининг асоси ва манбаси сифатидаги аҳамиятини унинг асрлар давомида ўқиб келингани ва ундан иқтибослар олингани ўз-ўзидан тасдиқлайди. Калом илмига бағишланган рисоаларда тегишли ишора ва тасдиқлар тез-тез учрайди. Айни пайтда бу иқтибосларнинг аниқлик даражаси турли муаллифларда ҳар хил эканини ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан, Имом Мотуридий иқтибосларнинг аслига мос бўлишига интилмаган. У фойдаланаётган қўлёзма матнини сўзма-сўз аниқ келтиришга уринмаган ва манба номини ҳам келтириб ўтирмаган. Лекин, ўрни келганда ўтмишдаги нуфузли намоёндалардан далиллар келтирган. Бунда ҳам аниқ манбани кўрсатмай, анъана у ёки бу олимнинг тегишли фикрини сақлаб қолганини айтиб ўтган, холос. Бундай ўринларда Имом Абу Ҳанифанинг исми ҳаммадан кўп учрайди ва бунда «Китоб ол-олим вал-мутааллим»

асарининг айрим ўринлари билан ҳамоҳанглигини кўриш мумкин бўлган парчалар келтирилади (Улрих Рудолф, 2001:47-48).

Абул Юср Паздавий ҳам «Китоб ол-олим вал-мутааллим» асарини шахсан мутолаа қилганини айтган ва ундан қатор иқтибослар олган. Асарнинг узоқ вақт шуҳрат қозониб келганининг асосий сабаби фақатгина унинг муаллифи Имом Абу Ҳанифа бўлгани билан изоҳланмайди. Бунда асарнинг услуби ва шакли ҳам катта аҳамият касб этади. Унинг равон ва содда тили, баённинг ниҳоятда таълимга мос ҳолда тузилгани ҳатто оддий тингловчи ёки ўқувчи томонидан ҳам матн моҳиятига кириб боришни ва уни тўғри англашни осонлаштиради. Бунга аввало баённинг Абу Муқотил томонидан танланган суҳбат шакли туфайли эришилган. Унда иккала суҳбатдош вазифаси аниқ чегараланган. Шогирд Абу Муқотил Самарқандий ўзи қизиққан ўша даврдаги муҳим ақидавий масалаларга оид саволларини Имом Абу Ҳанифага берган ва ундан етарлича жавобларни олган. Имом Абу Ҳанифа фақат берилган саволларга жавоб бериш билан кифояланмасдан ўрни келганда зарур насихатлар ҳам берган.

Асарда тилга олинган мавзулар кўп жиҳатдан Усмон Баттийга йўлланган биринчи рисолада кўрилган масалаларга ўхшаш. Бу ерда ҳам имон таърифи, имоннинг фаришталар ва инсонлар учун битта экани ҳамда гуноҳкорларни куфрда айблашдан ўзини тийиш зарурлиги ҳақидаги ақидавий қарашлар асосий ўринни эгаллайди.

НАТИЖА

Асарнинг муқаддима қисмида Имом Абу Ҳанифа Аллоҳ таоло борасида аҳли сунна вал жамоанинг асосий эътиқодий қарашларини баён қилган. Асарда умумий қирқ тўртта савол-жавоб зикр қилинган. Абу Муқотил Самарқандий дастлаб Имом Абу Ҳанифа эътиқодий масалалар борасида ҳақиқатни излаб, уни қандай баён қилиш ва бошқаларга етказиш борасида савол берган. Имом Абу Ҳанифа эса унинг илм талаб қилишга бўлган интилиши ва қизиқишини мақтаб, тўғри эътиқод инсон ҳаётида зарур эканини чиройли мисоллар билан тушунтириб берган: «Чўлда адашиб юрилганда кўп озуқадан кўра тўғри юрилганда керак бўладиган озгина озуқа қанчалик фойдали бўлса, илмга асосланган озгина амал ҳам жаҳолат ила қилинган ҳар қанча кўп амаллардан

фойдалироқдир» (Абдурашид қори Бахромов, 2003:40).

Абу Муқотил Самарқандий калом илмини ўрганиш борасида савол сўрайди ва баъзилар «Саҳобалар калом илмини ўрганмаган, агар бу иш яхши бўлганида албатта улар қилган бўлар эди», деган маънодаги сўзлар уни бу ишдан қайтараётганини айтади. Имом Абу Ҳанифа мазкур саволга инсоннинг қалби таскин топадиган даражада мукамал жавоб беради. Биринчи навбатда саҳобаларнинг калом илмини ўрганишга иккита асосий сабабга кўра эҳтиёжи бўлмаган. Биринчиси, саҳобалар даврида бирор нарса ҳақида саволлари бўлса, бевосита Пайғамбар (а.с.)нинг ўзидан сўраб эдилар. Яъни, кимнинг эътиқоди тўғри, кимники хато эканини ўрганишга эҳтиёжлари бўлмаган. Иккинчиси, саҳобалар даврида тўғри йўлдаги мусулмонларни айблайдиган ва қонини ҳалол санайдиган адашган тоифалар бўлмаган. Имом Абу Ҳанифа даврига келиб, қадария, мўътазила, хавориж ва шиа каби адашган фирқа ва тоифалар пайдо бўлди. Шунинг учун Абу Ҳанифа қуйидагича жавоб берган: «Ҳақиқатда бизларни айблайдиган ва қонларимизни ҳалол санайдиган кимсаларга дучор бўлдик. Шундай экан, биз қайси биримиз ноҳақ, қайси биримиз ҳақ эканини билишимиз ҳамда ўзимизни ва аҳли-аёлларимизни ҳимоя қилишимиз лозим. Саҳобалар душманлари бўлмагани сабабидан қурол-аслаҳага эҳтиёжи бўлмаган халққа ўхшайдилар. Биз эса, бизни айблайдиган ва бизга қарши курашадиган кишиларга дуч келдик. Шундай экан, уларга қарши қуролланмоғимиз, яъни уларга қарши раддиялар беришимиз лозим» (Абдурашид қори Бахромов, 2003:40-41).

Шу ўринда Имом Абу Ҳанифа нозик бир нуқтани ҳам зикр қилган. Яъни, баъзи инсонлар «Эътиқодий масалалар борасидаги ихтилофларга мен аралашмайман», деган маънода инсонлар ўртасидаги ақидавий ихтилофлардан ўзини четга олмоқчи бўлганлар топилади. Бу иш ҳам хато эканини очиб берган. Инсон ихтилофли масала борасида тилини тийса ҳам, қалбини тиёлмайди. Яъни, унинг қалби ихтилофли масалаларда албатта бир томонга мойил бўлади. Шунинг учун шаръий далиллар орқали ҳақ эътиқодни аниқлаб, у томон бўлиши таъкидланган.

«Ақидавий масалаларда тўғри йўлда бўлган билан хато йўлда юрганларни ажрата олмасам менга зарар бўладими?», деган саволга ҳам қисқа ва батафсил жавоб беради: «Буни билмаслигинг

битта жиҳатдан зарари йўқ бўлса, лекин бир нечта жиҳатдан зарарли бўлади. Зарари тегмаслиги шундаки, эртага қиёмат куни сиз уларнинг хато ақидаси туфайли жазоланмайсан. Шу билан бирга, бир нечта жиҳатдан зарари тегади. Жумладан, биринчи навбатда жоҳил бўласан. Чунки, сиз ҳақни ноҳақдан ажрата олмайсан. Иккинчидан, эҳтимол шубҳа сабабидан бошқалардаги нотўғри ақида сенга ҳам етиб келиши мумкин. Кейин ундан халос бўлиш йўлини билмай қоласан. Чунки, ўзинг ҳақ йўлдамисан ёки нотўғри йўлдамисан, ўзинг билмайсан. Натижада ўша нотўғри ақидадан халос бўла олмайсан. Учинчидан тўғри йўлда юривчи билан адашган кишининг ўртасини ажрата олмасанг, қандай қилиб тўғри йўлда юрган кишини Аллоҳ учун яхши кўрасан ва хато йўлда юрган кишини Аллоҳ учун ёмон кўрасан».

Абу Муқотил Самарқандийнинг «баъзи инсонлар бор, адолатни сифатлаб беради, яъни аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодини баён қилиб беради. Лекин, унга муҳолиф бўлганларнинг хатосини ҳам, тўғрилигини ҳам билмайди. Мана шундай сифатдаги киши ҳақни, аҳли суннанинг тўғри эътиқодини билувчи, деб айтиш мумкин бўладими?» – деган саволига Имом Абу Ҳанифа кучли далиллар билан жавоб беради. Аввало, мана шундай кишини битта оқ кийим берилган тўрт нафар инсонга ўхшайди. Тўрт нафар кишидан бири кизил, бошқаси сариқ, учинчиси қора ва тўртинчиси оқ рангдаги кийим, деб айтди. Шу вақтда тўртинчи кишига сендан олдинги уч киши кийимнинг рангини тўғри айтдим ёки хато қилдиларми? У айтадики: «Мен албатта аниқ биламан, бу кийимнинг ранги оқ. Шу билан бирга улар ҳам тўғри сўзлаган бўлишлари мумкин». Шу жиҳатдан у аҳли сунна эътиқодларини тўғри эканини билсада, адашган кимсаларнинг ақидаларини хатолигини билмаса, бундай киши ҳақиқатни билган бўлмайди. Шунингдек, улар айтишади: «Биз зинокорнинг кофир эмаслигини биламиз. Шу билан бирга, «Зинокор зино қилаётганида ундан имон ечиб, олиб қўйилади, худди кўйлак ечиб олингани каби» ҳадисини ривоят қилган киши ҳам рост сўзлаётган бўлиши мумкин. Биз уни ёлғончига чиқармаймиз». Яна улар айтишади: «Ҳажга қодир бўла туриб, ҳаж қилмасдан вафот этган кишини мўмин, деб номлаймиз, унга жаноза намозини ўқиймиз ва унинг ҳақкига истиғфор айтамиз, у томондан ҳажи бадал қиламиз. Шу билан бирга «Уни яҳудий ёки насроний бўлган ҳолда вафот этди», деган кишини ҳам ёлғончига чиқармаймиз». Бундай ҳолатдаги

кишилар шиалар сўзларини инкор қилатуриб, уларнинг сўзларини айтади. Хаворижларнинг сўзларини инкор қилсалар-да уларнинг сўзларини айтишади, муржийлар сўзларини инкор қилсаларда уларнинг сўзларини айтишади. Улар сабабли баъзи ҳадисларни келтиришади. Уларнинг фикрича ушбу ҳадисларда ихтилофлар келган. Ваҳоланки, уларнинг баъзилари мансух, баъзилари носих ҳисобланади. «Қандай эшитган бўлсак, шундай ривоят қилаверамиз», дейишади. Имом Абу Ҳанифа уларнинг мазкур ишининг оқибати қандай эканини куйидагича изоҳлайди: «Улар ишларининг оқибатига жуда кам эътибор қилишмоқда. Чунки, улар диний аҳкомларни ўргатиш мақсадида мансух ҳадисларни айтиб беришмоқда. Ваҳоланки, бугунги кунда мансух далилларга амал қилиш залолатдир. Инсонлар эса улардан мансух далилларни олишмоқда. Улар инсонларнинг адашишига сабабчи бўлиб қолмоқдалар. Биламизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта оятни икки хил қилиб тафсир қилмаганлар. Қуръондаги носих оятларни носих, мансух оятларни мансух, деб тафсир қилганлар. Хабарлар ва Аллоҳ таолонинг сифатларига доир далилларда насх бўлмайди. Носих ва мансух шарият буйруқлари ва қайтариқларига тегишли бўлади» (Имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа, 2022:356-359). Мана шу ўринда Имом Абу Ҳанифа ислом динидаги нозик бир нуқтага ишора қилмоқда. Яъни, шаръий далиллар ўртасида аслида, ўзаро қарма-қаршилик бўлмайди. Фақат уммат бирор масала борасида зоҳиран қарма-қарши бўлган далилларининг қайси бири носих, қайси бири мансух эканини билмагани туфайли улар ўзаро қарма-қарши бўлиб кўринади (Шайх Аҳмад Мулла Жийван Ҳиндий, 2008:551). Чунки, иккита оят бир-бирига қарма-қарши бўлиши ожизлик аломати ҳисобланади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ҳар қандай айб-нуқсонлардан холидир. Шунингдек, иккита ҳадис ўртасида ҳам ўзаро қарма-қаршилик бўлиши мумкин эмас. Бу ҳам мазкур икки далилнинг эгаси билимсиз ёки хато қилиб, шундай ҳолатга дучор бўлган бўлиши эҳтимоли бор. Ваҳоланки, аҳли сунна эътиқодига кўра, пайгамбарлар гуноҳ ва хатолардан маъсум бўлади. Шунинг учун усул ал-фикҳ фанида ушбу масалага оид алоҳида сарлавҳа остида муаммони қандай қилиб ечиш йўллари ўргатилади. Шу эътибордан оддий илми етарли бўлмаган мусулмонлар адашиб қолмаслиги учун ҳанафий мазҳаб уламоларидан Абу Саид Ходимий (113-1176/1701-1763) «Мажма ал-ҳақоик» номли асарида куйидаги қондани баён қилади:

وظيفة العوام التمسك بقول الفقهاء دون الكتاب والسنة وليس لهم اختيار أقوال الماضين بل أقاويل علماء عصره الموثوقين وليس لهم اختيار أقوال الصحابة كذلك. وكلّ آية أو خبر مخالفا لمذهب فقهاءنا محمول على النسخ أو التأويل أو التخصيص أو الترجيح فلا يحمل على عدم بلوغه اليهم فقول الفقهاء مرجح على النصوص

«Илми бўлмаган оддий инсонларнинг вазифаси далил сифатида фақиҳларнинг сўзини олишидир. Бевосита, Куръон ва суннатдан далил олишга уларнинг илм-салоҳияти етарли бўлмайди. Шунингдек, улар тўғридан-тўғри ўтмишдаги уламоларнинг эмас балки замонидаги ишончли уламоларнинг сўзини ихтиёр қилмоғи лозим бўлади. Шунингдек, тўғридан-тўғри саҳобаларнинг сўзларини ҳам ихтиёр қилишлари тўғри эмас. Фуқаҳоларимизнинг мазҳабига муҳолиф бўлган ҳар бир оят ёки ҳадис мансук эканига ёки хос бир маънога таъвил қилинганига ёхуд хосланган бўлишига ёки бошқа далил ундан устун қўйилганига йўйилади. Мазкур далиллар бизнинг фуқаҳоларимизга етиб бормаганига йўйилмайди. Шунга кўра фуқаҳоларнинг сўзи насслардан муқаддам қўйилади» (Абу Саид Ходимий, 1912:49).

Имон сўз ва амалдан иборат, деб ҳисоблаш тўғри эмаслиги, имон моҳияти, имон борасида инсонларнинг ҳолатлари, оддий мўминлар билан расулларнинг имони моҳият жиҳатидан бир экани, яқийн тушунчаси ҳақида Абу Муқотил Самарқандий саволларига Имом Абу Ҳанифа жавоб бериб ўтган. Шунингдек, қибла аҳли бўлган гуноҳкорларнинг гуноҳлари мағфират қилиниши, кичик ва катта гуноҳлар хавф ва ражода баробар бўлмаслиги ҳамда катта гуноҳ қилувчилар учун истиғфор айтиш ёки дуоибад қилиш борасидаги саволларга ҳам Имом Абу Ҳанифа нақлий ва ақлий далиллар асосида тўлиқ жавоб берган. Шунингдек, аҳли қибла бўлган адолатли кишилар бири иккинчисидан афзал бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги саволга ақлий далил келтириб, умумий маънода улар баробар бўлиши, лекин фазилат ва илмда бири иккинчисидан афзал бўлиши, мумкин деб жавоб берган.

Мўмин киши Аллоҳнинг ягоналигига эътиқод қилар экан, баъзида катта гуноҳ қилиш билан Аллоҳнинг душманига айланмаслиги ҳақида саволга ҳам жавоб берилган. Шунингдек, куфр, нифоқ ва иржо тушунчаларининг маъноси ҳамда тафсири борасида саволларга ҳам жавоб берилган.

Шунингдек, қатъий далиллар билан кимнинг жаннатий ёки дўзахий экани маълум бўлганларнигина қатъий шаклда «Фалончи жаннатий ёки дўзахий», деб айтиш мумкин экани, акс ҳолда бирор кишига нисбатан бундай деб бўлмаслиги

таъкидланган. Кишининг қилган гуноҳлари унинг солиҳ амалларини ботил қилмаслиги, ибодат, хавф ва ражо масалалари ҳақидаги саволларга жавоб берилган.

Асар охирида, куфр яхлит бўлиши, маърифат, валоят, бароат ва куфрони неъмат тушунчалари борасидаги саволларга тўлиқ жавоб берилган.

ХУЛОСА

Имом Абу Ҳанифанинг «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари ҳақиқатда ўша даврдаги кўплаб ихтилофларни олдини олишга хизмат қилган, десак муболаға бўлмайди. Чунки, шогирди Абу Муқотил Самарқандий ўша даврда турли фирқа ва оқимларнинг илгари сураётган иддаолари ва қарашлари ҳақида бевосита устози Имом Абу Ҳанифадан сўраган ва уларнинг жавобини олган. Шу нуктаи назардан мазкур асардаги ақидавий масалаларни фақатгина назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам кўплаб муаммо ва келишмовчиликларга ечим сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур асар ҳозирги даврда ҳам ўзига хос кадр-қийматга эга ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда турли баландпарвоз шиорлар ва иддаоларни илгари сураётган оқимлар маълум бир ўринларда ўтмишдаги фирқаларнинг ҳаракатларини такрорлаётганини кўриш мумкин. Шунингдек, Имом Абу Ҳанифа маълум ақидавий масалалар борасида келтирган оятлар ва ҳадислардан олимнинг тафсир ва ҳадислар маъноларини тушунишда етук салоҳиятга эга эканини англаб етиш мумкин. Шу ўринда турли адашган фирқаларнинг эътиқодий қарашларини ақл воситаси билан ҳам нотўғри эканини исботлаб берган. Бундан маълум бўладикки, ислом динининг соф эътиқодий қарашлари нафақат Куръони карим ва суннатга, балки соғлом табиатга эга бўлган инсонларнинг ақлига ҳам мувофиқ келади.

Ақидавий масалалар ҳар доим муҳим ва долзарблигича қолаверади. Ўтмишда қанчадан қанча иқтисодий жиҳатдан қудратли империялар ёки давлатлар ички эътиқодий ихтилофлар ва келишмовчиликлар туфайли таназзулга учраган. Аксинча, эътиқодий ва мафкуравий жиҳатдан иттифоқ бўлган миллат ёки давлатлар катта-катта муваффақиятларга эришган. Инсоният мавжуд экан, унинг ўзига хос эътиқоди ва қарашлари бор. Юртимиздаги аҳолининг аксари мусулмонлардан ташкил топган. Шу эътибордан ёш авлодлар ислом

динининг соф эътиқодий қарашлари ва ўғитлари билан тарбияланса, жамият янада маънавий жиҳатдан юксалади ва тараққий этади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурашид қори Бахромоф (2003). Имоми Аъзам асарлари. Тошкент: Мовароуннаҳр.
2. Абу Бакр Аҳмад ибн Маҳдий Хатиб Бағдодий (2018). Тариху Бағдод (Ж. XIII) / Таҳқиқ: Башшор Аввод Маъруф. Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий.
3. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. Хожа Салим Оға кутубхонаси. № 40.
4. Абу Наср Муҳаммад Аъзам ибн Гадои Муҳаммад Тожикий (2023). Жуҳд ал-муталлим. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
5. Абу Саид Ходимий (1912). Мажма ал-хақоик. Қозон: Умид.
6. Абул Муайяд ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Маккий (2016). Маноқибу Аби Ҳанифа. Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий.
7. Абул Музаффар Тохир ибн Муҳаммад Исфирайний (1983). Ат-Табсир фи ад-дин ва тамйиз ал-фирқа ан-ножия ан ал-фирақ ал-холикий / Таҳқиқ: Камол Юсуф Хут. Лубнон: Олам ал-кутуб.
8. Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристонӣ (2007). Ал-Милал ван-ниҳал (Ж. I) / Таҳқиқ: Муҳаммад Абдулқодир Фозий. Сайдо: Ал-Мактаба ал-асрийа.
9. Аҳмад ибн Мустафо Тошқўпирзода (1985). Мафтоҳ ас-саода ва мисбоҳ ас-сияда фи мавзуот ал-улум (Ж. II). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
10. Ҳофиз Исо ибн Муҳаммад Саолибий (1995). Муснадул Имом Аби Ҳанифа. Қоҳира: Дор ал-ҳадис.
11. Ибн Фурак (№1827). Шарҳ ал-олим вал-муталлим. Мурод Мулла кутубхонаси.
12. Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа (2022). Мажмуи кутуб ва расоил ва васоя ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Номон ибн Собит ат-Тамимий ал-Куфий разийаллоху анху / Таҳқиқ: Доктор Муҳаммад ибн Исмоил Абу Аввод. – Аммон: Мактоба ал-ғоним лин-нашир ват-таваз’.
13. Имомул харомайн Жувайний. Ал-Кофия фил жадал (Ж. I) // Таҳқиқ: Фавкия Ҳасан. Қоҳира: Матбаа Исо ал-Бобий ал-ҳалабий.
14. Исломий ибн Муҳаммад Амин ибн Мирсалим Бобоний Бағдодий (1951). Ҳадийя ал-орифин (Ж. II). Истанбул: Ал-Баҳия.
15. J. Schacht (1964). «An Early Murci’ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wal-Muta’allim», Oriens, XVII.
16. Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кардарий (2016). Маноқиб ал-Имом Абу Ҳанифа (Ж. I). Бейрут: Дор ал-кутуб ал-арабий.
17. Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий (1999). Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Техрон: Ойини мерос.
18. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Мизон ал-эътидол фи нақид ар-рижол (Ж. I). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
19. Шайх Аҳмад Мулла Жийван Ҳиндий (2008). Шарҳ Нур ал-анвор (Ж. I). Карачи: Мактаба ал-бушро.
20. Шайхул мутакаллимин Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак (2009). Шарху ибн Фурак ала олим вал-муталлим. Қоҳира: Дор ас-сақофия ад-дийния.
21. Улрих Рудолф (2001). Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси.
22. W. Madelung. (1970). «Early Sunnī Doctrine Concerning Faith as Reflected in the Kitāb al-Īmān of Abū ‘Ubayd al-Qāsim b. Sallām (d. 224/839)», St.I, XXXII.

REFERENCES

1. Abdurashid qori Bahromov. (2003). Imomi A’zam asarlari. Tashkent: Movarounnahr.
2. Abu Bakr Ahmad ibn Mahdiy al-Khatib al-Baghdadi. (2018). Tarikh Baghdad (Vol. 13), ed. Bashshar Awwad Ma’ruf. Beirut: Dar al-Gharb al-Islami.
3. Abu Mansur al-Maturidi. Ta’wilat al-Qur’an. Manuscript, Hoji Salim Ogha Library, No. 40.
4. Abu Nasr Muhammad A’zam ibn Gadoy ibn Muhammad Tojikiy. (2023). Juhd al-Mutallim. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
5. Abu Sa’id Khodimiy. (1912). Majma’ al-Haqa’iq. Kazan: Umid.
6. Abul Muayyad al-Makki. (2016). Manaqib Abi Hanifa. Beirut: Dar al-Kutub al-‘Arabiyya.
7. Abul Muzaffar Tahir ibn Muhammad al-Isfarayini. (1983). At-Tabsir fi ad-Din wa Tamyiz al-Firqa al-Najiyah ‘an al-Firaq al-Halika, ed. Kamal Yusuf Hut. Lebanon: ‘Alam al-Kutub.
8. Abulfath Muhammad ibn Abdulkarim al-Shahrastani. (2007). Al-Milal wa al-Nihal (Vol. 1), ed. Muhammad Abdulqadir Fadhili. Sayda: Al-Maktaba al-‘Asriyya.
9. Ahmad ibn Mustafa al-Tashkopruzada. (1985). Miftah al-Sa’ada wa Misbah al-Siyada fi Mawdu’at al-‘Ulum (Vol. 2). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
10. Hafiz ‘Isa ibn Muhammad al-Thalabi. (1995). Musnad al-Imam Abi Hanifa. Cairo: Dar al-Hadith.
11. Ibn Furak. Sharh al-‘Alim wa al-Muta’allim. Manuscript, Murad Molla Library, No. 1827.
12. Imam al-A’zam Abu Hanifa. (2022). Majmu’ Kutub wa Rasa’il wa Wasaya al-Imam al-A’zam Abi Hanifa al-Nu‘man ibn Thabit al-Tamimi al-Kufi, ed. Dr. Muhammad ibn Isma’il Abu Awwad. Amman: Maktabat al-Ghanim li al-Nashr wa al-Tawzi’.
13. Imam al-Haramayn al-Juwayni. (1979). Al-Kafiya fi al-Jadal (Vol. 1), ed. Fawqiyya Hasan. Cairo: Matba’at ‘Isa al-Babi al-Halabi.
14. Isma’il ibn Muhammad Amin ibn Mirsalim al-Babani al-Baghdadi. (1951). Hadiyyat al-‘Arifin (Vol. 2). Istanbul: Al-Bahiyya.

15. Schacht, J. (1964). «An Early Murji'ite Treatise: The Kitab al-'Alim wa al-Muta'allim.» Oriens, 17.
16. Muhammad ibn Muhammad al-Kardari. (2016). Manaqib al-Imam Abu Hanifa (Vol. 1). Beirut: Dar al-Kutub al-'Arabiyya.
17. Najm al-Din 'Umar ibn Muhammad ibn Ahmad al-Nasafi. (1999). Al-Qand fi Dhikr 'Ulama' Samarqand. Tehran: Ayni Meros.
18. Shams al-Din Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (1995). Mizan al-I'tidal fi Naqd al-Rijal (Vol. 1). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
19. Shaykh Ahmad Mulla Jiywan al-Hindi. (2008). Sharh Nur al-Anwar (Vol. 1). Karachi: Maktabat al-Bushra.
20. Shaykh al-Mutakallimin Abu Bakr Muhammad ibn Hasan ibn Furak. (2009). Sharh Ibn Furak 'ala al-'Alim wa al-Muta'allim. Cairo: Dar al-Thaqafiyya al-Diniyya.
21. Ulrich Rudolph. (2001). Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti. Tashkent: Imam al-Bukhari International Foundation.
22. Madelung, W. (1970). «Early Sunni Doctrine Concerning Faith as Reflected in the Kitab al-Iman of Abu 'Ubayd al-Qasim b. Sallam (d. 224/839).» Studia Islamica, 32.

